




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



PROSPECTS FOR STRATEGIC PARTNERSHIP IN UZBEK-US RELATIONS

Bakhtiyor B. Murodov

Master's student

*Tashkent State University of Oriental Studies
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: strategic partnership, transnational threats, declaration, stability, regional relations, geopolitical space, state visit, investment, economic cooperation, prospects.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

Abstract: Uzbekistan is one of the first countries to recognize the independence of Uzbekistan and to open an embassy in our country.

ЎЗБЕКИСТОН-АҚШ МУНОСАБАТЛАРИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бахтиёр Б. Муродов

Магистратура талабаси

*Тошкент давлат шарқиунослик университети
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: стратегик шериклик, трансмиллий таҳдидлар, декларация, барқарорлик, минтақавий муносабатлар, геосиёсий макон, давлат ташрифи, инвестициялар, иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик, истиқбол.

Аннотация:

Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олиб, мамлакатимизда биринчилардан бўлиб ўз элчинонасини очган давлатлардан бир Америка Кўшма Штатлари билан давлатимиз муносабатлари ўзаро манфаатдорлик, дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосига қурилгани ва шу руҳда ривожланиб келаётганлигини кўрсатади.

ПЕРСПЕКТИВЫ СТРАТЕГИЧЕСКОГО ПАРТНЕРСТВА В УЗБЕКСКО-АМЕРИКАНСКИХ ОТНОШЕНИЯХ

Бахтиёр Б. Муродов

Студент магистратуры

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: стратегическое партнерство, транснациональные угрозы, декларация, стабильность, региональные отношения, геополитическое пространство, государственный визит, инвестиции, экономическое сотрудничество, перспективы.

Аннотация: Узбекистан является одной из первых стран, признавших независимость нашей страны и открывших посольство в нашей стране.

КИРИШ

Америка Кўшма Штатлари Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва суверенитетини биринчилардан бўлиб тан олган давлат ҳисобланади. Қарийб 30 йиллик икки томонлама ҳамкорлик тарихига назар ташлайдиган бўсак бу ўринда стратегик шериклик алоҳида аҳамият касб етади.

АҚШ бутун Марказий Осиё минтақасининг ривожида муҳим аҳамият касб етишда давом этмоқда. АҚШ билан геостратегик жиҳатдан “минтака юраги”, ривожланиш пиллапояларидан жадал одимлаб бораётган Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар бу жиҳатдан таҳсинга лойикдир.

Ўзбекистон Президентларининг АҚШга ташрифлари давомида икки томонлама алоқаларни тартибга солувчи ва унга янги импулс берувчи бир қатор хужжатлар имзоланган. Хусусан, икки давлат ўртасида 2002 – йилнинг 12 – март куни имзоланган “Стратегик шерикчилик ва ҳамкорликнинг асослари тўғрисида”ги декларация имзоланган. 6 банддан иборат мазкур декларацияда давлатлар ўртасида демократлаштириш, хавфсизлик масалалари, трансмиллий таҳдидларга қарши кураш, икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий – техник, тинчлик учун кураш дастури доирасида, иқтисодиёт соҳасида, бозор ислоҳотларини амалга оширишда, савдо – сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш соҳасида, ихтисослаштиирлган ўқув, таълим, соғлиқни сақлаш ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик йўналишлари белгилаб берилган. [1]

Мазкур декларация асосида ўзаро манфаатли ва конструктив ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш мақсади ётади. Ўзбекистон АҚШ билан мамлакатда амалга оширилаётган фуқаролик жамияти асосларини янада мустаҳкамлаш ва аҳоли турмуш

даражасини яхшилашга қаратилган ривожлантириш жараёни ва ислоҳотларни қўллаб – қувватлаш мақсадида сиёсий, савдо – иқтисодий, инвестициявий ва маданий – гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдордир. Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, трансмиллий таҳдид ва хатарларга қарши курашга кўмаклашишдан иборатдир. [2]

Юқорида таъкидлаб ўтилган икки асосий хужжатга таяниб икки давлат ўртасидаги стратегик ҳамкорлик бир неча йиллар давомида ривожланиб келди. Энди эса икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликнинг истиқболларига тўхталиб ўтадиган бўлсам, тарихан ривожланиб келган ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 – йилнинг май ойида АҚШга амалга оширган ташрифида имзоланган “Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик йўлида янги даврнинг бошланиши” деб номланган Қўшма баёнотда янада мустаҳкамланиб қўйилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Таҳлиллар ва кузатувлар шуни кўрсатадики, гугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг АҚШга амалга оширган ташрифи давомида еришилган келишувлар, имзоланган хужжатлар асосида икки томонлама алоқалар ривожланиб бормоқда. Хусусан, ташриф давомида инвестициялар, Марказий Осиё минтақасида инвестицияларни жалб қилиш ва илғор технологиялар борасида ва минтақавий муаммоларни ҳал етишга қаратилган ғоялар илгари сурилди. Бинобарин, минтақавий хавфсизлик, бу геосиёсий макондаги мамлакатлар тараққиёти, ўсиш ва иқтисодий ривожланиш имкониятларини таъминлашга интилаётган, бу борада амалий ташаббуслар билан ўзини кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси манфаатлари учун Америка Қўшма Штатлари билан стратегик шериклик ғоят муҳимдир.

Ўзбекистон Президентининг АҚШга ташрифи давомида қишлоқ хўжалиги, кимё, молия, соғлиқни сақлаш, рақамили технологиилар бўйича имзоланган ҳужжатлар икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг истиқболда ривожланиш тенденциясининг қанчалик жозибадор бўлишидан дарак бериб турибди. Масалан, агросаноат соҳасида дунёning йетакчи давлатларидан бири бўлган АҚШ қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиш даражаси, жаҳон миқёсидаги қишлоқ хўжалиги товарларининг, тўртдан бир қисмини ташкил етадиган маҳсулотлари ҳажми ва хилма-хиллиги билан ажralиб туради. Шунинг учун иқтисодий шерикликнинг муҳим йўналиши қишлоқ хўжалиги тармоғи ҳисобланади. Шу сабабли, давлат раҳбарининг ташрифи давомида “Силверлеафе Сапитал” компанияси билан Жиззах вилоятидфа қўшма агрокластер ташкил етиш тўғрисида битим имзоланди.

Кластернинг асосий фаолият йўналиши пахта йетиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат.

Икки тарафлама инвестициялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва АҚШ хусусий хорижий инвестициялар корпорацияси (ОПИС) ўртасида имзоланган Ўзаро англашув меморандуми бугунги кундаги ҳамкорлик ҳолатида муҳим рол ўйнаб келмоқда. Ушбу хужжат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун кўмаклашишга қаратилган.

Қўшма инвестицион лойиҳаларни кўллаб – қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ташки иқтисодий фаолият миллий банки ва АҚШнинг экспорт-импорт банки ўртасида 100 миллион долларлик Молиялаштириш ҳақидаги меморандум имзоланди. Бу хужжат ҳам ўз навбатида давлатлар ўртасидаги банк-молия соҳасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги поғонага олиб чиқишига умид бағишлиайди. [3]

Икки давлат иқтисодиётининг салоҳияти, Америка компанияларининг ривожланган тажриба ва технологияларини ҳисобга олганда, Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўзаро савдо ва инвестицияларни ривожлантириш бўйича улкан истиқболдаги имкониятларга ега. Ўзбекистон Республикаси Президентининг АҚШга расмий ташрифи ва унинг доирасида ўtkазилган музокаралар ва қўшма тадбирлар икки давлат ўртасидаги стратегис шериклик муносабатларининг ривожланишига улкан импулс вазифасини ўтаб берди ва алоқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам пойdevor яратди. Д. Трамп даврида алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва икки ва кўп томонлама алоқаларнинг мунтазамлик касб етгани масофа жиҳатидан икки мамлакат сиёсий доираларини янада яқинлаштиришга хизмат қилди. Бугунги кунда ҳам АҚШ Президенти Ж. Байден ва Президент Ш. Мирзиёев бошчилигига олиб борилаётган муносабатларга назар ташлайдиган бўлсак, ўтган бир неча ой давомида ҳарбий, иқтисодий ва таълим соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш учун ташрифлар уюштирилгани, расмий Тошкентнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатилишига ва афғонлараро музокараларни ўтказиш ташабbusларига қаратилган ҳаракатлари АҚШ сиёсий доиралари томонидан қизғин қаршиланиб келинмоқда. Хусусан, 2021 – йилнинг феврал ойида Тошкентда Афғонистон, Покистон ва Ўзбекистон ўртасида ўтган учрашувда илгари сурилган Марказий Осиё давлатлари, хусуан, Ўзбекистонни дengiz йўлларига олиб чиқувчи “Мозори-Шариф – Кобул – Пешовар” темирйўлининг қурилиш лойиҳаси Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Йевропа тикланиш ва тараққиёт банки, Йевропа инвестиция банки, Ислом тараққиёт банки каби халқаро жаҳон молия субъектлари қатори Америка Қўшма

Штатларининг Халқаро тараққиёт молия корпорациясининг ҳам хайриҳоҳлигига ва қизиқишиларига сабаб бўлди. [4]

Бундан ташқари, АҚШ истиқболда Афғонистонга киритилган тинчликпарвар қучларини олиб чкиб кетар екан, минтақадаги ҳамкор давлатларидан бири бўлмиш Ўзбекистоннинг суверенитети ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш ишига ёрдам беришга тайёрлигини ҳам маълум қилмоқда. Буни биз куни кеча Америка Кўшма Штатлари Конгресининг Вакиллар палатасига киритилган Ўзбекистон мустақилиги ва суверенитетини қўллаб-қувватловчи резолюция мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсати фаол, ташаббускор ва прагматик ташқи сиёсий курс олиб боришни ҳамда юзага келаётган хавф-хатарларга ўз вақтида ва адекват жавоб чоралари орқали ечишни талаб этадиган XXI асрнинг ўта шиддат билан ўзгариб бораётган халқаро-сиёсий воқеликларини инобатга олган ҳолда қурилмоқда. Ташқи сиёсатдаги очиқлик ва яхши қўшничилик принсипларига асосланиб, Ватан суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистоннинг янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди, ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари тубдан қайта кўриб чиқиди, ҳарбий билим юртлари ислоҳ қилинди. Умуман олганда, 2018 йил мобайнида 30 дан ортиқ давлатлараро ва халқаро тузилмалар раҳбарлари билан олий даражадаги музокаралар олиб борилди, 180 та икки томонлама шартнома ҳамда келишувлар тузилди. Шунингдек, хукумат, вазирлик, идоралар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари даражасида 360 та ташриф амалга оширилди. Ўзбекистон бу соҳада Америка Кўшма Штатлари билан тажриба алмашиш, ҳарбий, ҳарбий-техникавий, мудофаа ва хавфсизлик йўналишларида ҳамкорлик қилишдан манфаатдор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон-АҚШ. Стратегик шерикликнинг янги даври. М.:2018. 180 Б.
2. М.Юлдашев. “Хронология Американо-Ўзбекских отношений 1992-2012”. М.:2012.
3. Афғонистон ва Ўзбекистонни боғловчи темирйўл лойиҳаси 4,8 млрд доллар дея баҳоланмоқда. <https://www.spot.uz/oz/2021/02/03/temiryol/>. М.:2021.
4. Madaminova, D. I., & Fayzullaev, S. A. (2021). The important aspects of uzbekistan's initiatives in central Asia. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 324-328.
5. Sayfullaev, D. (2016). Parliamentary Diplomacy In Making Of Foreign Policy. *The Advance Science Journal of International Relations*, 1(1), 52-54.
6. Madaminova, D. I. (2021). Uzbekistan as a leading initiator in central Asia. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1045-1049.
7. Sayfullaev, D. B. (2020). CONCEPTUAL BASIS OF THE MODERN WEST AND EAST DIPLOMACY STUDY. *Journal of Legal, Ethical and Regulatory Issues*, 23(2), 1-10.